

## Талаба Қуръонни 11 соатда хатм қилди



17:54 / 19.12.2025 1808

«Саййид Муҳйиддин маҳдум» ўрта махсус ислом билим юртининг учинчи босқич, 90-гуруҳ талабаси Муҳаммад Амин қори Олимжонов устозлари, қироат ва тажвид фани мутахассислари ҳузурида Қуръони Каримни 11 соат ичида тўлиқ ёддан ўқиб берди.

Хатмонага Андижон вилояти Улуғнор тумани бош имом-хатиби Шоҳимардон домла Орипов, муассаса мудирлари Рустамжон домла Маҳмудов ва бошқа мударрислар ташриф буюриб, хатмона сўнггида Муҳаммад Амин қорини ҳамда қироат ва тажвид фани устозларини эсдалик совғалар билан тақдирладилар.